Начиная с 70-х гг. прошлого столетия в культурологической литературе появляется ряд работ, где проблема массовой культуры осмысливается в иной аксиологической плоскости. В работах Д. Белла, Э. Шилза, Ж. Фурастье, А. Турена, Дж.К. Гэлбрейта, Э. Тоффлера, Г. Кана, К.Э. Боулдинга и других обосновывается идея о том, что переход общества с индустриальной на постиндустриальную стадию развития ведет к усреднению культуры. Вследствие этого ценности, бывшие когда-то лишь достоянием элиты, становятся доступными массам, а сама массовая культура существенно изменяется, приобретая черты, которые когда-то были присущи народной и высокой культуре.

Наиболее основательно идея о позитивном влиянии массовой культуры на процесс развития личности и становление демократических политических институтов разрабатывалась З. Бжезинским, Д. Макдональдом, Б. Розенбергом, Д. Уайтом, Дж. Селдесом, Г. Гэнсом.

Кроме того, названными авторами был создан ряд трудов, где раскрывались социальные предпосылки возникновения массовой культуры, анализировались механизмы ее развития, проводилась дифференциация видов и жанров массового искусства, исследовалась проблема взаимосвязи массовой культуры и средств массовой коммуникации.Сам термин «массовая культура» впервые встречается в начале 40-х годов в статьях М. Хоркхаймера и Д. Макдональда, которому принадлежит и одна из первых дефиниций массовой культуры как порождения массового индустриального века, противостоящей элитарной культуре. С 50-х годов, когда Р.К.Ф. Ароном и У. Ростоу» была сформулирована и стала одной из ведущих на Западе теория индустриализма, массовая культура стала рассматриваться как феномен массового индустриального общества. Характерно, что в этих концепциях основной акцент был перенесен с психологических характеристик человека массы на экономический аспект функционирования общества, что позволило рассмотреть массовую культуру как коммерческую, а сферу ее производства – как «индустрию культуры». Это понятие, означавшее новый способ производства культуры, превращающейся в одну из отраслей экономики, было введено в научную практику теоретиками Франкфуртской школы Т. Адорно и М. Хоркхаймером в «Диалектике просвещения». В различных концепциях «постиндустриального общества» массовая культура предстает не как объект критики, а как объект взвешенного научного анализа. Западным исследователям наиболее плодотворной представляется возможность ее конвергенции с высокой.

Характерно, что в рамках и европейского радикального варианта постиндустриализма (А. Турен, Ж. Фурастье) и американского, либерального (Дж.К. Гэлбрейт, К. Боулдинг, Г. Кан, А. Тоффлер) постиндустриальное общество рассматривалось как детерминированное не столько экономическими, сколько социальными и культурными факторами, формирующими особый стиль мировосприятия и мышления, свободный от идеологической интерпретации и задаваемых извне пределов творческой активности. Они же показали, что иным становится и состояние потребляемой культуры: массовая продолжает существовать как уникальный механизм, обладающий компенсаторной и рекреативной активностью удовлетворяя нужды значительной части общества, элитарная же культура теряет свое значение классово чуждой и недоступной массам, но, наоборот, начинает выполнять роль культурного образца и занимает в иерархии ценностей достойное ее место. Массовая культура в этих теориях трактуется как образование, создающее определенную социальную и культурную гомогенность, где стандартизация и унификация выступают в качестве признаков демократизации и равенства возможностей. Именно этот феномен Тоффлер и обозначал как индивидуализацию личности и демассификацию культуры. [6, с. 25].

Наиболее значительное внимание в данных концепциях, а также в концепциях информационного общества отводилось информации, информационным технологиям и средствам коммуникации. В основе этих теорий, разработанных Е. Масудой, Дж. Нейсбитом, Дж. Бенингером, Т. Стоуньером, М. Маклюэном, А. Тоффлером, М. Кастельсом, лежит представление о том, что ведущей тенденцией развития современного общества, перерастающего в общество нового информационного порядка, является интеграция новейших массовых информационных и коммуникационных технологий и существующей социальной системы. Принципиально новой чертой информационной стадии развития становится оптимизация сочетания и использования факторов производства на основе знания и информации. По мнению исследователей, человек информационного общества теряет качества, характеризующие его как человека массы, для которого проблема «идентичности» существует как основная. Субъект становится более самостоятельным, критически настроенным, не опирающимся на стереотипы, труднее поддающимся манипулированию. Вместе с тем, в этих исследованиях отмечается, что новейшие информационные технологии развиваются, в большой степени, как «технологии развлечений», а массовая культура выступает в качестве одной из наиболее прибыльных отраслей экономики и активно существует во многих областях, связанных со стандартизированным мышлением. Причем, эта культура, возможно, в большей степени, чем индустриальная или постиндустриальная, характеризуется стратегией коммуникативного омассовления, когда любой ее феномен в качестве единственного способа бытия вынужден принимать императив тиражируемой универсальности и подчинения доминирующему закону функционирования, каковым сегодня является режим масскульта. И если в предыдущие эпохи сама информация вынуждала культуру создавать соответствующие ее параметрам каналы коммуникации, то сегодня именно средство сообщения проявляет способность к отбору, дифференциации и формированию информации. В современной культуре получает легитимность лишь то, что адаптировано под режим масс-медиа и может быть представлено только при трансляции.

В конце 80-х-начале 90-х гг. проблема массовой культуры привлекла внимание постмодернистов, в том числе Ф. Джеймисона, Р. Барта, Ж. Батая, М. Бланшо, М. Фуко, Ж. Делеза, Ф. Гватгари, Ю. Кристевой, Ж. Бодрийяра, С. Жижека, Ж. Деррида, У. Эко, Ж.-Ф. Лиотара и др., которые были обеспокоены экспансией визуальных форм и жанров, вытесняющих «книжную» культуру, возникновением реальной возможности формирования «управляемой массы» посредством коммуникативных технологий, создающих собственную реальность. Основная теоретико-методологическая установка постмодернистов заключается в том, что массовая культура представляет собой тот вид реальности, к которому неприменимы классические схемы анализа. Выполняя целый ряд общественно-значимых функций, она не может рассматриваться в аксиологической

плоскости, и все обличительные речи в ее адрес, строго говоря, являются теоретически несостоятельными.

Проведя исторический обзор культурологических исследований проблемы «массовой культуры», мы видим, что массовая культура – закономерный этап развития цивилизации, обусловленный развитием рыночной экономики, индустриализацией, научно-техническим прогрессом, развитием СМИ и информационных технологий, урбанизации и демократизации политической жизни. Именно потому, что массовая культура является продуктом и проявлением эволюции общества, она стала мощным фактором развития современного постиндустриального общества, несмотря на критику и негативную реакцию. И в силу этого обстоятельства говорить о случайности ее появления и о ее возможном исчезновении в ближайшей исторической перспективе представляется ошибочным.

Качественная определенность массовой культуры постиндустриального общества задается теми изменениями, которые произошли в самой массе. Масса сегодня – это совокупность деперсонализированных индивидов, объединенных общностью потребляемой продукции – информации, развлечений, моды, имиджей, стереотипов, а также единством картины мира и системы ценностей.

Субъектом массовой культуры выступает особая профессиональная группа, создающая ее артефакты в соответствии с законами социальной психологии и рыночных отношений, носителем же ее ценностей является человек массы – недифференцированный субъект с невыраженным личностным началом, особенностями которого являются некритичность восприятия и оценок, управляемость, духовная инфантильность. В постиндустриальном обществе – это, как правило, те субъекты исторической деятельности, которые отчуждены от структур управления экономикой нового типа и вынуждены соответствовать стратегиям подчинения и «включения во взаимодействие» Между тем, «массовый человек» может являться представителем всех социальных слоев,что позволяет рассматривать массовую культуру в качестве феномена, обладающего признаками всеобщности. Эта всеобщность имеет, качественный характер, так как атрибутивной характеристикой массовой культуры является не число носителей ее ценностей, а совершенно особые качества: исключительно высокая степень адаптивности, производство определенного типа сознания – пассивного и нетворческого, ориентация на вкусы и потребности «среднего человека», использование средств массовой коммуникации как главного канала распространения и потребления ее ценностей. Именно изменения в механизмах трансляции культурных ценностей, в механизмах социальной адаптации, социальной рекреации и социокультурной идентификации и привели к широкому распространению массовой культуры в современном обществе.

По мнению современных культурологов, социальными функциями массовой культуры являются:·социализация личности в условиях индустриальной и постиндустриальной цивилизаций;·выработка общего ценностно-смыслового восприятия реальности;·аккумуляция и тиражирование знаний, создание новых возможностей самореализации;·стандартизация интересов и потребностей населения; обеспечение стабильного и комфортного существования;·регуляция психического и нравственного состояния общества, снятие стресса личностного выбора и социальной ответственности;·эффективное манипулирование общественным сознанием и личностью; создание предпосылок консюмеризма и эффективного маркетинга непрерывного массового потребления («машина желаний и соблазна») [7, с. 24-37].

Реализуя эти функции, массовая культура выступает эффективнейшим средством и механизмом консолидации современного общества. Важно, что масскульт, при всей его «стандартности», отнюдь не исключает реализацию ярких, своеобразных и самобытных явлений в искусстве, культурной жизни. Наоборот – дает им дополнительные возможности. Она оказывается не только проявлением деструктивных тенденций, которые обрели угрожающий характер на стадии «Заката Европы», но механизмом защиты от них.

Массовая культура в условиях глобализации и постинформационного общества предполагает ясное и внятное самоопределение, осознание содержа-

ния и возможностей собственной уникальности. Только в этом случае любое общество имеет шанс достойно войти во всемирное экономическое, информационное и культурное пространство.

Проведенный обзор теорий массовой культуры, возникших в первые десятилетия XX века и продолжающих оформляться по сей день, далеко не полон, что свидетельствует о сложности и многофункциональности массовой культуры. Массовая культура, рассматривавшаяся прежде в критическом плане, стала анализироваться как образование исторически неизбежное,органично связанное с демократическими процессами современном обществе, с существенным уровнем социальной стратификации и утраченными способами самоидентификации, массовая культура способствует социализации и начинает выполнять ценностно-ориентационную функцию (наряду с адаптационной, коммуникативной, рекреативной, идеологической). Используя эту трансформацию массовой культуры можно направить социальное потребление культурных образцов в позитивное русло.

Список литературы:

1.Лебон Г. Психология масс // Психология масс. – Самара, 1998. – С. 6.
2.Ницше Ф.Несвоевременные размышления // Собр. Соч. – М., 1909. – Т.2. – С. 6-12.
3. Х Ортега-и-Гассет. Восстание масс // Эстетика. Философия. Культура. – М.,1991. С. 315-319.
4.Блумер Г. Коллективное поведение // Психология масс. – Самара, 1998. – С. 555.
5.Адорно Г., Хоркхаймер М. Диалектика просвещения. М.-СПб., 1997;
6.Тоффлер Э. Третья волна. М„ 1999; Шок. М., 2003;
7.Флиер А.Я. Массовая культура и ее социальные функции // Общественные науки и временность. – 1998. – № 6. – С. 24-37.
8.Фрейд З. Массовая психология и анализ человеческого «Я» // Психология масс. – Самара, 1998. – С. 107.

© В.А. Ведман, В.В. Игошин, 2016

UDC 95 (571:3)

TRANSFORMATION OF MASS CULTURE IN POST-INDUSTRIAL SOCIETY

V.A. Vedman, V.V. Igoshin

Abstract. This article is dedicated to cultural analysis of such phenomenon of modern society as mass culture. The authors pay main attention to disclosure the gist of the phenomenon. There have been made deductions about outlook of development of mass culture at its current condition in the article.

Keywords: globalization, culture, informatization,transformation , socialization.

© V.A. Vedman, V.V. Igoshin, 2016

УДК 37.017.92 (075).

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯСИ, УНИНГ МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Ф.С. Зияев[1]

Аннотация

Мақолада Ислом Абдуганиевич Каримов томонидан миллий-маънавий тикланиш концепциясининг яратилиши,унинг мустақилликнинг мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

Таянч сўзлар: маънавият,концепция,инсонпарварлик,шахсий.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг юртимизда инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият деб эълон қилинди. Ўзбекистонда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш масаласи қанчалик долзарб ва муҳим вазифага айланган бўлса, маънавият ҳақидаги қарашларни ҳам бутунлай ўзгартириш, бу борада замон талаб қилаётган азалий мезонларни, бу ноёб ҳодисанинг асл маъно-мазмуни, ижтимоий аҳамиятини тиклаш ҳам ўткир заруратга айланади. Бундай кенг қамровли масалалар Президентимиз Ислом Каримовнинг асарларида назарий ва амалий жиҳатдан ҳар томонлама чуқур асослаб берилди. Шу боис истиқлол йиллари биз учун ҳаётнинг барча соҳаларидаги янгиланиш ва ўзгаришлар билан бирга, том маънодаги маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлди.

Мамлакат ва миллий тараққиёт унга раҳбарлик қилувчи етакчига боғлиқ бўлади. Чунки у мамлакатнинг қайси йўлдан бориши, қандай мақсадларни кўзлаши ва бажариладиган ишларни амалга оширишнинг стратегиясини белгилаб беради, ҳамда уни реал ҳаётга татбиқ қилиш масъулиятини ҳам ўз зиммасига олишга қодир бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган концепцияда мамлакатимиз ва халқимиз тараққиётини таъминлашнинг асосий омили сифатида миллий-маънавий тикланиш жараёни устувор ўринни эгаллади. Маънавият жамият тараққиёти, миллий камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади, чунки маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади, ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб ҳам хизмат қилади.

Буни чуқур ҳис қилган ва ўз қалбидан ўтказган Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин она заминимизда демократик жамиятни қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришнинг миллий-маънавий тикланиш билан уйғун ҳолда бўлиши кераклигини ҳам илмий асослаб берди. Мамлакатимизда янги жамият қуришнинг илмий назарий асосларининг акс эттирилиши жиҳатидан мукаммал, фундаментал дастур бўлган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида мустақилликдан кейин Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий соҳасидаги стратегик вазифаларини ҳам белгилаб берди. Умуман бу асар Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг илмга асосланган дастури ҳисобланади. Чунки унда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуриш соҳасида илгари сурилган барча ғоялар босиб ўтилган қисқа ўтган даврда ўзининг ифодасини топди ва жамиятимизни тубдан янги босқичга кўтарди.

Президентимиз Ислом Каримов ушбу асарида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларини кўрсатиб берар экан, «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади», деб кўрсатади ва қуйидагиларни белгилаб беради:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;

[1]Зияев Фархад Собирович – доцент кафедры «История Узбекистана», Ташкентский финансовый институт, Узбекистан.

- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик. [1, с. 76]

Асарда ана шу негизларнинг моҳияти ҳам очиб берилган. Жумладан, Президентимиз Ислом Каримов шундай ёзади:

«Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тинчлик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб асраб келмоқда. Ўзбекистоннинг янгиланишининг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтириш учун зарур шартшароитлар яратишдир». [1, с. 77]

Кўриниб турибдики, Президентимиз ўз асарида маънавиятимизни ривожлантириш вазифаларини белгилаб берган.

Ислом Каримов халқимизнинг буюк фазилатлари ҳақида тўхталиб инсонпарварликнинг ўзбекларга хос қирраларини кўрсатиб беришга эътиборни қаратди. Жумладан, «Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир». Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир». [1, с. 78]

Асарда маънавиятнинг халқимизнинг маънавий руҳиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдаги ўрни ҳам асослаб берилган. Жумладан, Президентимиз шундай ёзади: «Халқимизнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимизнинг қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан етилган» [1, с. 80]

Маънавиятнинг миллий тараққиётидаги ўрни ва уни ўзлаштириш зарурлиги асарда илмий асосланган.

«Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. [1, с. 80]

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган бу концептуал ғоянинг назарий ва амалий аҳамияти шундаки, биринчидан, бу билан муаллиф собиқ шўролар даврида маънавиятни ривожлантиришга учинчи даражали омил сифатида қаралишининг, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий инқирознинг сабабларини ҳам кўрсатиб беради. Иккинчидан, маънавиятни ривожлантирмасдан, шахснинг маънавий руҳиятини ўзгартирмасдан туриб жамиятда кўзланган мақсадни амалга ошириш мумкин эмаслигини илмий асослаб берди.

Ислом Каримовнинг миллий-маънавий тикланишга бағишланган концепциясида ватанпарварлик шахс маънавиятининг ажралмас қисми эканлигини асослаб бериши алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳақиқатдан ҳам ўз ватанини севмаган, унинг ҳар қарич ери учун масъуллигини ҳис этмаган ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан қашшоқ ҳисобланади.

Шу ўринда бир муҳим масалага аниқлик киритиш лозим бўлади. У ҳам бўлса «Миллий тараққиёт» ва «Миллий тикланиш» тушунчаларининг моҳияти, мазмуни ва мезони масалаларидир. Аслида улар бир-бирларини инкор қилувчи тушунчалар эмас. Миллий тараққиёт –эволюцион характерга эга. У пастдан юқорига томон кўтарилишдан иборат бўлган жараёндир. У миллатнинг шаклланиши, такомиллашуви ва юксалиши каби узлуксиз жараён сифатида намоён бўлади.

Миллий тикланиш эса, миллат тараққиёти тарихимизнинг маълум бир босқичида, маълум бир объектив ва субъектив сабаблар оқибатида бой берилган салоҳиятни қайтадан миллат тараққиётига йўналтириш билан боғлиқ бўлган жараёндир.

Аждодларимиздан қолган мерос ҳар бир миллатнинг нафақат ўтмиши, шунинг билан бирга истиқболи учун ҳам куч, фидоийлик ва илҳом манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Президентимиз «Ҳозирги Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва таббаррук тупроқдан буюк алломалар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган» [2, с. 133] Отабоболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий

ўрганиш даври келди» [2, с. 137] деб таъкидлайди. Унинг «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Инсон учун тарихидан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демакдир», деган ғояларида ҳар бир ватандошимизнинг, айниқса ёшларимизнинг маънавий меросимизни чуқур ўрганиши зарурлиги миллий-маънавий тикланишимизнинг бош вазифаси эканлигини тушуниб етишга қаратилгандир.

Ислом Каримов миллий мафкуранинг миллий-маънавий тикланиш ва мамлакатимизда демократик жамият қуришдаги аҳамияти ва ролини илмий асослашга катта эътибор қаратади. Миллий мафкура миллатни бирлаштиради, мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади.

«Миллий мафкура воситасида элюрт бирлашади, ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади» [2, с. 92] деб таъкидлайди. Президентимиз ўз навбатида, миллий ғоянинг вазифаларини аниқ белгилаб берди: «... миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олийжаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур» лигини белгилаб берди. [2, с. 137]

Жамият бир босқичдан иккинчисига ўтиш, яна боз устига зўравонлик асосида қурилган жамиятдан маърифатли инсон манфаатлари, шахс эркинлиги ва камолотига хизмат қилувчи демократик жамиятга ўтиш осон кечмайди, чунки эски тузум иллатлари ҳали сақланиб туради. Чунки ўз умрини узайтириш учун жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатадиган кучлар ҳам мавжуд бўлади. Янги жамият эса қисқа муддатда қурилмайди, балки маълум вақтни, унда яшаётган барча инсонларнинг фидоийлик билан меҳнат қилишларини талаб қилади. Худди мана шу жараёнда юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун юксак маънавий эътиқод ва сабртоқат билан одамларни уюштириш, улар дунёқарашида янги жамият тафаккурини шакллантириш муҳим вазифа даражасига кўтарилади.

Мамлакатимизда ана шу буюк муаммоларни ҳал этиш жараёнлари кетмоқда. Уларни муваффиқиятли ҳал этишда эртанги кунимиз давомчилари бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз зарур. Шунинг учун ҳам Президентимиз оғир иқтисодий муаммоларни ҳал этиш жараёнлари мураккаб ҳолатда кечаётганига қарамасдан кадрлар тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш, уни қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш масаласини асосий вазифа сифатида белгилаб берди, ҳамда уни муваффақиятли амалга оширишда раҳбарлик қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги маърузасида бу дастурнинг аҳамиятини шундай таъкидлайди: «Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳатларимиз, режаларимизнинг самарали тақдири – буларнинг барчаси, аввалambор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз». [3, с. 325]

Президентимизнинг миллий-маънавий тикланишни амалга оширишга хизмат қилувчи яна бир концептуал ғояси соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш заруриятининг илмий асосланганлигидир. Унинг соғлом авлод концепциясида шахснинг жисмонан, руҳан бақувват бўлиши, юксак билимли, маънавиятли, тафаккурли ва фидоий ватанпарвар бўлиши каби талабларга жавоб берадиган авлод назарда тутилади. Миллий-маънавий тикланишимизда ёшларимиз маънавиятини юксак даражага кўтариш, уларнинг ҳозирги замон фан, техника ва технология ютуқларини чуқур ўзлаштиришлари катта омил эканлиги Президентимиз томонидан илмий асосланган.

Президентимиз Ислом Каримов «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» концепциясига ёзган сўз бошисида «.... мен миллий истиқлол ғояси бугунги тез суръатлар билан ўзгараётган таҳликали дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни асрабавайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур, деб биламан», [4, с. 223] деган ғояни таъкидлади. «Юксак маънавият-енгилмас куч» номли асарида одамзод учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келган маънавиятимизнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий ва амалий томонларини ҳар

томонлама кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этган. Унда истиқлол йилларида юртимизда миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича амалга оширилган улкан ишлар, бу борада олдимизда турган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Список литературы:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон. Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар тўплами. 1-жилд. Т.: «Ўзбекистон «, 1996, 76-бет.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Асарлар тўплами. 7-жилд. Т.: Ўзбекистон 1999. 132-бет.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар тўплами. 6-жилд. Т.: Ўзбекистон. 1998. 325-бет.
4. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Асарлар тўплами. 9-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2001. 222-223-бетлар.
5. Каримов И.АЮксак маънавият-енгилмас куч.Т.:”Маънавият”,2008
6. Каримов.Б,Зияев.Ф Маънавият асослари Т.2013

© Ф.С. Зияев, 2016

УДК 37.017.92 (075)

КОНЦЕПЦИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО ДУХОВНОГО ВОЗРОЖДЕНИЯ ИСЛАМА КАРИМОВА И ЕЁ РОЛИ В УКРЕПЛЕНИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ НЕЗАВИСИМОСТИ

Ф.С. Зияев

Аннотация. В данной статье рассматривается концепция И.А. Каримова о духовном возрождении узбекского народа. Акцент делается на важности и значимости духовности в процессе построения демократического общества.

Ключевые слова: духовность, концепция, гуманизм, личность, просвещение.

© Ф.С. Зияев, 2016

UDC 37.017.92 (075)

THE CONCEPT OF A NATIONAL SPIRITUAL REVIVAL OF ISLAM KARIMOV AND ITS ROLE IN THE STRENGTHENING OF NATIONAL INDEPENDENCE

F.S. Ziyaev

Abstract. The concept of I.A.Karimov about the spiritual recreation of the Uzbeks is revealed in the given article.The accent is done on the necessity and the signficance of spirituality in the process of the democratic communites building.

Keywords: spiritual, concept, humanism, personality, enlightenment.

© F.S. Ziyaev, 2016

УДК 94 (575) (093)

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

А.Я. Холбеков[1]

Аннотация

Мақолада Ўзбекистонда мустақиллик йилларида таълим соҳасини, жумладан, умумтаълим, ўрта махсус таълим ва олий таълимни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотларнинг натижалари, узлуксиз таълим тизимининг шакллантирилиши, таълим муассасалари моддий-техник базасининг замонавийлаштирилиши ва кадрлар тайёрлаш сифатининг оширилиши ёритиб берилган.

Калит сўзлар: таълим тизими, тараққиёт, давлат, сиёсат, ислоҳотлар, умумтаълим, ўрта махсус таълим, олий таълим, узлуксиз таълим, кадрлар тайёрлаш, замонавийлаштириш.

Ўзбекистонда бозор ислоҳотларининг бошланиши режали иқтисодиёт шароитида кадрлар тайёрлашга йўналтирилган ҳамда давлат нафақат кадрлар тайёрлашга бўлган эҳтиёжнинг майда икир-чикирларини, балки таълим шакли, услуби ва ғоясини ҳам белгилаб берадиган тизимни жиддий қайта қуришни тақозо этди. Янги шароитлар олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш тузилмаси, уларнинг билим ва кўникмаларига бўлган талабни ўзгартирди. Эндиликда янги билимларни амалда қўллай оладиган, муайян касб соҳасидаги инновацион имкониятлар кўламини тушуна оладиган кадрларга талаб юқори. Булар нафақат жорий хўжалик ва ишлаб чиқариш масалаларини малакали ҳал қиладиган, балки тўғри қарор қабул қила оладиган таҳлилий қобилиятга эга, юқори даражали мутахассислар бўлиши лозим. «Ҳеч кимга сир эмаски, инсоннинг қалби ва онгини эгаллаш, айниқса ёшларнинг маънавий дунёсини издан чиқаришга қаратилган турли ҳавф-хатарлар тобора кучайиб бораётган бугунги ўта нотинч замонда ўзининг кимлигини, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бебаҳо мерос ворислари эканини теран англаб, она юртга муҳаббат ва садоқат ҳисси билан яшайдиган, иймон-эътиқоди мустаҳкам ёш авлодгина муқаддас заминимизни ёт ва бегона таъсирлардан, бало-қазолардан сақлашга, Ватанимизни ҳар томонлама равнақ топтиришга қодир бўлади» [1, б.24.].

Бугунги кунда таълим инсон фаолиятининг барча соҳаларига янги технологияларни жорий этиш, рақобатбардошлиликни ошириш, турмуш даражасини кўтаришнинг муҳим шартига айланиб бормоқда. Олий таълимнинг ижтимоий масъулияти кўп жиҳатдан ҳар бир инсоннинг тез ўзгарувчан меҳнат бозорида харидоргир бўлиб қолиши, ривожланиб бораётган инновацион иқтисодиётда тўлақонли иштирок этиши ва шу йўл билан ўз фаровонлигини ҳамда умуман жамият фаровонлигини таъминлаш имконини берадиган малакавий ва ижтимоий кўникмалар олишидан иборатдир. Кўпгина мамлакатларда олий мактабнинг ошиб бораётган ролини ҳисобга олган ҳолда уни ривожлантириш стратегияси миллий стратегия устуворликлари билан белгиланади ва у олий таълим сифатини ошириш ҳамда уни олиш имкониятини кенгайтиришга йўналтирилгандир.

Дарҳақиқат, истиқлол даврида юртимиз том маънода тараққиёт сари юз тутди. Айниқса, таълим соҳасидаги ютуқ ва муваффақиятларимиз жорий йили пойтахтимизда ташкил этилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференция давомида ҳам эътироф этилди. БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда

[1] Холбеков Абдужамол Яхшибоевич – преподаватель кафедры «История Узбекистана», Ташкентский финансовый институт, Узбекистан.

мутахассислар иштирок этган ушбу конференция узлуксиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланди. Мамлакатимизда фаол, ўз мақсади сари интилувчан, истеъдодли ва юксак маънавий фазилатларга эга, замонавий билим ҳамда касбларни эгаллаган – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни тарбиялаш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Биз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларни эгаллаши, айни пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шарти ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоқдамиз. Таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлари муҳим ўрин эгалламоқда. Ўтган давр мобайнида уларнинг сони икки баробар ортди ва бугунги кунда мамлакатимиздаги 59 та университет ва олий ўқув юртида 230 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда [2, б.3.].

Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуксиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёргарлигига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилди. Бу борада умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда, олис аҳоли пунктларида яшайдиган қизларни касб-ҳунар коллежларида ўқишга тўлиқ жалб этиш масаласини текшириш бўйича олиб борилган кенг кўламли ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Янги касб-ҳунар коллежлари ва уларнинг филиалларини қуриш ниҳоясига етказилди. 2012–2013 ўқув йилида мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш тўлиқ таъминланди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу коллежларнинг иш берувчи корхоналар билан кооперация алоқаларининг турли шаклларидан фойдаланиши, бу масалага туман ва шаҳар жамоатчилигини жалб этиш мазкур вазифани адо этишнинг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналиши бўлди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида коллежларни тугатган 450 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди, уларнинг 43 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги «Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори асосида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, мутахассислиги бўйича ишлаб чиқариш амалиётини ўташлари учун корхона ва ташкилотларга бириктириш ҳамда ишга жойлаштириш вазифалари амалга оширилаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони кўплаб касб-ҳунар коллежи битирувчиларини пухта эгаллаган билим ва касбий малакасига ишонган ҳолда ўз кичик бизнесини, мустақил иш фаолиятини ташкил этишга ундамоқда. Сўнгги йилларда коллеж битирувчилари томонидан ўз бизнесини ташкил этишга бўлган интилиш кучайиб бораётганини яққол кузатиш мумкин. 2012-1013 йилларда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари орасида кредит олганлар сони 1913 нафардан 13409 нафарга ёки 7,0 мартага ортган. Шунга мисол ҳолда кўрилаётган даврда кредит хисобидан яратилган иш ўринлари сони 2418 тадан 20172 тага ёки 8,3 мартага кўпайган.

Ўтган даврда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини малакали, педагогик ва амалий иш тажрибасига эга бўлган раҳбар ва ўқитувчи кадрлар билан янада мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилди. 2012 йилда 687 та касб-ҳунар коллежининг директори аттестациядан ўтказилди. Бунинг натижасида уларнинг 119 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг барча ўқув муассасалари танловлар орқали саралаб олинган раҳбар кадрлар билан тўлиқ таъминланди.

Президентимиз Ислом Каримов 2012 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2013 йилни юртимизда «Обод турмуш йили», деб эълон қилди. Ушбу эзгу мақсадлар «Обод турмуш йили» Давлат дастурида ўзининг тўлиқ ифодасини топди. Дастур доирасида халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини, фаровонлик, тинчлик ва тотувликни ошириш бўйича зарур ресурс ва имкониятларни сафарбар қилиш, давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларини бу ишга кенг жалб этишга қаратилган, аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплекси амалга оширилди. Жумладан, жисмоний ва маънавий соғлом, уйғун камол топган авлодни, профессионал, замонавий даражада тайёрланган кадрларни тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини ҳар томонлама ошириш, таълим савиясини янада такомиллаштириш ва сифатини юксалтириш, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида самарали ишлар олиб борилди.

Таълим соҳасидаги ишлар сарҳисоб қилинар экан, Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган «Инссад» халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги «Инновацияларнинг глобал индекси» маърузасида баён этилган маълумотларни келтириш ўринлидир. Маъруза Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган. Ушбу маърузада дунёнинг 141 мамлакатидаги инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон – дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этганлиги ёшларнинг таълим олишига берилаётган эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини яна бир бор кўрсатиб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, 2012 йилда таълим соҳасида олиб борилган фаолият, уни янада такомиллаштириш борасида қабул қилинган қарорлар таълим, шахс, жамият ва давлат уйғунлиги асосида мамлакатнинг барқарор тараққий этишининг муҳим шартларидан бири сифатида етук ва баркамол авлодни тарбиялашни тақозо этишини, олдимизда эса юксак вазифалар турганлигини кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишда Президентимиз 2012 йилда бу борадаги ишлар изчиллик билан давом эттирилганини таъкидлаб, Давлат бюджетининг 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилгани, унинг 35 фоизи таълим тизимига йўналтирилганини таъкидлади [3, б.63].

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, янгиланиш, юксалиш ва модернизация жараёнлари озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда ушбу жараёнлар жамиятнинг ҳал қилувчи кучи – ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан тарбиялашнинг таъсирчан омилига айланмоқда.

Ўзбекистонда 2014 йилнинг «Соғлом бола йили», деб эълон қилинишида ҳам уларнинг аҳамияти беқиёсдир. Республика Президенти мазкур йилнинг мазмун-моҳияти тўғрисида тўхталиб, қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратди:

«Жорий йилга бундай ном берганимиз, аввалambор, болаларимизнинг соғлиги ҳақида, уларнинг келажаги ҳақида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодасидир.

Бизнинг вазифамиз, керак бўлса, олий бурчимиз – фарзанларимизнинг ҳам жисмоний, хам маънавий жиҳатдан уйғун ривожланган, замонавий билим ва тажрибаларни пухта эгаллаган, Ватанимиз ва халқимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун қўлимиздан келган барча-барча ишларни амалага оширишдан иборатдир» [4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида: «ҳеч шубҳасиз, вақт ўтиши билан тобора ёрқин намоён бўлаётган, биз биринчилар қаторида амалга оширган ва давом эттираётган, дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берганимиз мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг

дадил қадамлар билан илгарилаб боришида мустаҳкам фундамент яратиб бергани» алоҳида қайд этилган [5].

Шуни қувонч ҳамда фахр билан таъкидлаш мумкинки, истиқлол туфайли барча шарт-шароитга эга бўлган олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб-ҳунар ва илм-маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирданоқ икки-уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг-минглаб ёшлар катта ҳаётга кириб келмоқда. Улар ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёрқин намоён этаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Зеро, бу ислоҳотлар эзгу ниятларимизга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш, ёшларимиз, қолаверса, халқимиз маънавий ҳаётининг янада юксалишига хизмат қилмоқда, десак, янглишмаймиз.

Адабиётлар:

1. .Каримов И. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. 20-т. –Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2012.
2. Каримов И. «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. – Тошкент, 2012.
3. Каримов И. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш: 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013.
4. «Халқ сўзи» газетаси, 2014 йил 18 январь.
5. Каримов И. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори. – Тошкент, 2014.

© А.Я. Холбеков, 2016

УДК 94 (575) (093)

РЕФОРМЫ В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА – ПРИОРИТЕТНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ МОЛОДЕЖНОЙ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ

А.Я. Холбеков

Аннотация. В настоящей статье освещена эффективность осуществляемых в Узбекистане в годы независимости реформ, направленных на развитие образовательной сферы, в частности, общего среднего, среднего специального, профессионального, высшего образования, формирование системы непрерывного образования, модернизации материально-технической базы образовательных учреждений и коренное улучшение качества подготовки кадров.

Ключевые слова: ситема образования, развитие, государство, политика, реформы, общее среднее образование, средне-специальное образование, высшее образование, непрерывное образование, подготовка кадров, модернизация.

© А.Я. Холбеков, 2016

UDC 94 (575) (093)

REFORMS IN EDUCATION IN UZBEKISTAN PRIORITIES OF STATE POLICY AIMED AT YOUNG PEOPLE

A.Ya. Xolbekov

Abstract. In the current article the efficiency of reforms carrying out in Uzbekistan during the years of independence which focused on the development of educational system, particularly, general secondary, secondary-professional, high educational levels, forming the system of uninterrupted education, modernization of material and technical base of educational institutions and dramatic improvement of quality of preparing staff is shown

Keywords: educational system, development, state, policy, reforms, general secondary educational, secondary-professional educational, high educational, uninterrupted educational, preparing staff, modernization.

© A.Ya. Xolbekov, 2016

УДК 94 (571:2)

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АГРАР СОҲАНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН

Д.С. Зияева[1]

Аннотация

Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида олиб борилган ислохотлар,уларнинг натижалари ва муаммолари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: ислохотлар, аграр сектор, фермер ўжалиги, инфраструктура, дехқон хўжалиги.

Мустақиллик ўзбек халқига минг йиллар мобайнида аждодларининг келажак авлод учун қолдирган бебаҳо меросини сақлаш, унга эгалик қилиш имкониятини берди. Аждодлар меҳнати билан яратилган бойликлар, иқтисодий, илмий – техникавий ва маънавий куч – қудрат, имкониятлар Ўзбекистон халқи фаровонлиги, республиканинг ҳозирги ҳаёти ва истиқболи учун хизмат қилувчи замин бўлди. Кадрларни танлаш ва уларни жой – жойига қўйиш, маданият ва маънавият масалаларида ҳам ижтимоий адолат тамойилларига асосланди.

Айни даврда халқ ижтимоий ҳаётини яхшилаш, маҳаллий миллат вакилларининг кўпгина қисми қишлоқларда яшашини эътиборга олган ҳолда, шунингдек ўзбек деҳқони ернинг эгаси, деҳқончилик касб – корининг эгаси эканлигини ҳисобга олган ҳолда қишлоқларда аграр ислоҳотларни ўтказиш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш, ривожланган давлатлардан кам бўлмаган, ўзбек халқига хос ишлаб чиқариш тузилмасини шакллантириш мустақиллик йилларида амалга оширилиши лозим бўлган давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди.

Ўзбекистонда қишлоқларда бозор инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини яхшилаш, аҳоли даромадларини ошириш, замонавий сервис хизматини кенгайтириш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш билан узвий боғлиқ бўлди. Бу ўринда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов “Инфраструктурани бирданига яратиб бўлмайди. Бу-анча узоқ давом этадиган ва мураккаб жараён бўлиб, бошқа талаблар билан бир қаторда юксак касбий маҳоратга эга кадрлар бўлишини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ҳам, аҳоли ҳам хўжалик фаолиятининг янги шароитларига руҳан мослашишини талаб қилади” [2, с. 243] дея таъкидлаган эди. Қишлоқда бозор инфратузилмасининг шаклланиши аввалambор, деҳқон ва фермерларга кўрсатадиган хизматларга боғлиқ бўлиб, уларнинг эҳтиёж-ларини қай даражада қондирилишига қараб бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг фаоллигини оширади. Айни пайтда қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигининг ошиши, инфратузилманинг кенгайтири-лишига хизмат қиладиган омиллардан бири бўлиб қолди. Қишлоқ хўжали-гида ишлаб чиқариш самарадорлиги даражаси кўп жиҳатдан тармоқдаги мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали ва тежамли фойдаланиш билан боғлиқ бўлиб ишчи кучидан фойдаланиш даражси ҳам ўз ўрнига эга эди.

Қишлоқни янгилаш ва қайта қуриш чора – тадбирлари тизимида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани жадал ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эга, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов. Бу ҳозирги аграр сиёсатнинг ғоят муҳим устувор йўналишларидан биридир. Коммунал ва муҳандислик тизимларининг кенг тармоғини яратсак, қишлоқда яшовчиларнинг ижтимоий ҳаётини тубдан яхшиласаккина бутун қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, унга индустриал тус бериш мумкин бўлади. [2, с. 225]

[1]Зияева Дилором Салиховна – старший преподователь кафедры “Гуманитарных дисциплин”, Ташкентский университет информационных технологий, Узбекистан.

Дастлабки йиллардан қишлоқ хўжалигида банд бўлган ишчи кучи ресурсларини ўзини ихтисослиги, малакаси ва сифати бўйича мавжуд иш ўринлари билан таъминлаш, ортиқча ишчи кучи ресурсларини қишлоқда қайта ишлаш саноати, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма корхонларини барпо этиш орқали банд қилиш муҳим аҳамият касб этар эди. Мустақилликка эришилган дастлабки йилларда бугунги кунда қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш асосий муаммолардан бири бўлиб, аҳолининг бандлик муассасаларига мурожат қилмаслиги, яхши иш топиш имкониятининг чекланганлиги, ишсизлик бўйича нафақа паст даражада эди. Масалан, Қашқадарё вилоятида қишлоқ жойларида яшайдиган ва бандлик хизмати органларида иш қидирувчи сифатида бир йилдан ортиқ ҳисобда турган ишсизлар улуши 1998 йилги 14,9 фоиздан 2008 йилда 18,7 фоизга ошган. [4, с. 31]

Юқоридаги муаммолар билан бир қаторда аҳолини четга иш қидириб кетиш ҳолатлари ҳам қишлоқ хўжалигида ўзига хос бўлган муаммолардан бирига айланди. Ўзбекистоннинг жанубий районлари республика салоҳиятини кўтариш имкониятига эга бўлсада, фақат Сурхондарё минтақасидаги мавжуд 3486 та фермер хўжаликларига 251.201 гектар майдон тақсимлаб берилган бўлсада. [5, с. 37], чет мамлакатларга ишлашга кетиш муаммоси долзарб бўлиб қолди ва бунинг натижасида Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида қишлоқ хўжалиги ривожи ишчи кучига бўлган эҳтиёжни сезиларли даражада оширди.

Шу ўринда қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлан-тириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ аҳолисини ичим-лик суви билан таъминлашни янада яхшилаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ такомиллашиб борди. Фармон асосида 12,5 минг км. сув тармоғи барпо этилди. 29,5 минг км. газ қувури ётқизилди. [5]

Натижада кейинги 1991-1995 йиллар мобайнида сув қувурларининг умумий узунлиги 1,8 баравар ошди, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 55 фоиздан 64 фоизга кўпайди. Респуб-лика бўйича аҳолини газ билан таъминлаш қишлоқларда 19,3 фоиздан 53,6 фоизга ошди. [3, с. 427]

Масалан, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида Қоровулбозор туманидан 100 фоизни, Ангор, Зарбдор, Нишон, Мингбулоқ, Тойлоқ, Боёвут, Қўнғирот, Қибрай, Олтиариқ туманларида 85-95 фоизни ташкил этди. [6, с. 75]

Ўзбекистонда аграр соҳада амалга оширилган ислоҳотларнинг биринчи босқичида (1991-2000 йй) хусусийлаштириш мазмуни давлат хўжаликларини жамоа хўжаликларига айлантириш, жамоа хўжаликларида жамоа аъзолари иқтисодий фаоллиги ва бошқарувда иштирокини таъминлаш, ички хўжалик ижара пудрати ва оила пудратини йўлга қўйиш, энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмасини қисқартира бориш ва баъзилари бўйича бекор қилиш, шартномавий ва эркин нархларни қўллаш, фермер хўжалик-лари тараққиётига шароит яратувчи, унга моддий ресурслар етказиб берувчи ва маҳсулотларини сотиш ва қайта ишлашга кўмаклашувчи инфратузилма объектларини барпо этиш каби тадбирларни ўз ичига олган эди.

Шунингдек, ўтган йиллар мобийнида бозор механизми тизимида мақсадли дастурлар асосида кредитлар, солиқлар ва молиявий қуйилмалар ёрдамида қишлоқ ҳаётини тартибга солиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Ислоҳотларнинг дастлабки босқичида қишлоқ хўжалигида бозор инфструктурасини шакллантиришда эришилган ютуқлар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин. Биринчидан, 1996 йилда “Қишлоқни социал қайта қуриш, қишлоқ аҳолиси турумуш шароитларини яхшилаш дастури” қабул қилинди. Иккинчидан, бозор муносабатлари талаблари асосида ишлашга қодир кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг янги шакллари ва усулларига ўтилди. Учинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулот-ларини сақлаш ва қайта ишлаш мақсадида замонавий ускуналар билан таъминловчи йирик тармоқлар вужудга келтирилди ва ривожлантирилди. Тўртинчидан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи кичик ва ўрта корхоналар барпо этилди. Бешинчидан, жамоа хўжаликларини турли ёрдамчи бўлимлари ва корхоналари хусусий мулк эгаларига сотилди. Олтинчидан, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши билан қишлоқ аҳолиси иш билан таъминланди.

Айни пайтда ўтиш даврининг ўзига хос бўлган камчиликлари қаторида фермер хўжаликларида механизация ишларини бажариш, қишлоқ хўжалик корхоналарига зарур техника, эҳтиёт қисм ва бошқа ресурсларни сотиш борасидаги ишлар тўғри

йўлга қўйилган бўлсада, техника воситаларини хизмат муддатлари давомида таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва сақлашда ишлар кўнгилдагидек бўлмаган. Фермер хўжаликларидаги мавжуд техника воситаларининг 80 фоизидан кўпроқ қисми эскирган бўлиб, улар ёрдамида агротехник жараёнларни талаб даражасида бажариб бўлмаган. Масалан, дарахт тепасини парваришлаш, буток қилингандан сўнг новда ва шахларини, ҳосилни йиғиб олиш ва даладан четга чиқариш, дарахтзор-лардаги бегона ўтларга қарши курашиш, тепасини суғориш каби парвариш-лаш ишлари қўлда бажрилади. Умумий сарфланган ҳаражатларнинг 60 фоиздан кўпроғи қўл меҳнатига кетиб қолган. [7, с. 9]

Тадқиқот давомида манбалар таҳлилидан келиб чиқиб, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, қишлоқ хўжалик самарадорлиги нафақат иқтисодий сарф – ҳаражатга, балки ҳудуд ва ресурсларнинг экологик ҳолатига ҳам боғлиқ экан. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55 – моддасида: “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир” дейилади. [1, с. 11]

Айни пайтда бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ҳам табиатга оқилона муносабатда бўлиш давлат сиёсати даражасидаги масала бўлиб қолди. Бундай муҳофаза таркибига – ерни асраш, ундан самарали фойдаланиш, агротехник тадбирларга риоя қилиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унинг кадастрига эътибор бериш, унумдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириб бориш каби тадбирлар кирди. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, 1996 йилдан бошлаб ер, 1998 йилдан эса сувдан фойдаланиш учун солиқ жорий этилди. Ер солиғи ернинг миқдори, унинг жойлашиши, сифати ҳамда унумдорлигига асосланган ҳолда белгиланди. Шуниндек, республикада аграр ислоҳотлар ва экологик ҳолатларни назорат қилиб бориш давомида “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”, “Ер кодекси”, “Ер кадастри тўғрисида”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” каби қонунлар ҳам экологик ҳолатга риоя қилишда муҳим ҳужжатлар бўлиб қолди.

Аграр соҳадаги ислоҳотларнинг дастлабки босқичида қишлоқ хўжалигида бозор инфраструктурасини шакллантиришда эришилган ютуқлар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

– 1996 йилда “Қишлоқни социал қайта қуриш, қишлоқ аҳолиси турмуш шароитларини яхшилаш дастури” қабул қилинди;

– қишлоқ хўжалик маҳсулотини сақлаш ва қайта ишлаш мақсадида замонавий ускуналар билан таъминловчи тармоқлар вужудга келтирилди ва ривожлантирилди;

– қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи кичик ва ўрта корхоналар барпо этилди.

– кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши туфайли қишлоқ аҳолиси иш билан таъминланди;

– ислоҳотларнинг дастлабки босқичида қишлоқда бозор инфратузилмасини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди;

-ислоҳотларнинг иккинчи босқичида қишлоқда бозор инфратузилмасини шакллантиришнинг ҳуқуқий-ташкилий асослари такомиллаштирилди;

– ислоҳотларнинг биринчи босқичида қишлоқдаги инфратузилманинг мавжуд ташкилий шакллари бозор қонунларига мослаштирилди;

-қишлоқда бозор инфратузилмасини шакллантиришга қаратилган давлат миқёсидаги ва ҳудудий дастурлар, концепциялар ишлаб чиқилди, ислоҳотларнинг иккинчи босқичида ушбу дастурлар ва концепциялар доирасида бозор инфратузилмаси ривожлантирилмоқда;

– ислоҳотларнинг биринчи босқичида амалга оширилган тарихий чора-тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалигида бозорга хос макроиқтисодий муҳит вужудга келди.

Қишлоқда бозор инфраструктурасини шаллантиришда эришилган катта ютуқлар билан бирга ислоҳотларнинг иккинчи босқичида ҳам ҳамон ўз ечимини кутиб турган муаммолар бор. Ана шундай муаммолар қаторида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сақлаб бериш хизмати, аграр соҳада бухгалтерия ҳисоби, молиявий таҳлил, аудит хизмати, маркетинг хизматидаги ишлар ҳали замон талаблари даражасида эмаслигини айтиб ўтиш мумкин.

Умуман, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кўрилган бу чора – тадбирлар натижасида қишлоқда аграр ислоҳот жараёнида бозор иқтисодиёти талабларига анча

мос келадиган янги хўжалик структуралари шаклландики, булар натижасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш структураси жиддий ўзгарди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – 11 б.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3 жилд. / Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида... – 243 бет.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6 – жилд. / Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи. – Тошкент. Ўзбекистон, 1998. – 427 бет.
4. Хомитов К. Қишлоқ меҳнат бозори – ишсизликни камайтириш омили // Ozbekiston qishloq xojaligi – Тошкент. №9. 2009. – 31 б.
5. Абдураҳмонов С., Ахунов А., Аҳоли миграциясининг қишлоқ хўжалигига таъсири
6. // Ozbekiston qishloq xojaligi – Тошкент. №6. 2009. – 37 б.
7. Қишлоқ аҳолиси турмушини янада яхшилашга қаратилган ҳужжат // Халқ сўзи. 1996, 4 июнь.
8. Эргашев И. Қишлоқ сиёсий-ижтимоий жараёнлар тизимида. Тошкент: Шарқ, 1998. 75.б
9. Аҳмедов. Т., Ҳожиев М., Арзуманянц А. Қаловини топсанг, қор ёнади // Агробизнес. №1. 2007. – 9 бет.

Д.С. Зияева, 2016

УДК 94 (575) (093)

ОБ ИСТОРИИ АГРАРНОЙ ПОЛИТИКИ УЗБЕКИСТАНА В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

Д.С. Зияева

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы аграрной политики Узбекистана в годы независимости.В частности состояние инфраструктуры сельского хозяство, достижения и проблемы.

Ключевые слова: reform, agrarian sector, farming facilities, infrastructure, private sector.

© Д.С. Зияева, 2016

UDC 94 (575) (093)

ON THE HISTORY OF THE AGRARIAN POLICY OF UZBEKISTAN IN THE YEARS OF INDEPENDENCE

D.S. Ziyaeva

Abstract. In this article describes questions of agrarian policy of Uzbekistan in the Independence years. In particular the condition infrastructure of agriculture: achievements and problems.

Keywords: educational system, development, state, policy, reforms, general secondary educational, secondary-professional educational, high educational, uninterrupted educational, preparing staff, modernization.

© D.S. Ziyaeva, 2016

УДК:63.3 (5U)

MILLIY ISTIQLOL G‘OYASI, UNING TARIXIY ILDIZLARI

С.Т. Бурханова[1]

Annotatsiya

Ushbu maqolada O’zbekiston milliy istiqlol mafkurasining shakllanishi va rivojlanishining tarixiy jarayonlari tahlil etilgan. Muallif O’zbekiston milliy istiqlol mafkurasi – bu tarixiy zarurat bilan ifodalanadigan mashaqqatli mehnatning natijasi deya fikrga keladi.

Kalit so’zlar: mustaqillik, milliy g’oya, milliy mafkura, vatanparvarlik, insonparvarlik, barqarorlik.

Prezidentimiz I.A. Karimov «Haqqoniy tarixni bilmasdan turib, o‘zlikni anglash mumkin emas», degan donishmandona so‘zlari beixtiyor yodga keladi. Ha, haqqoniy tarix tom ma’noda bilimlar manbai, ma’naviyat negizi, qolaversa, chinakam tarbiya maktabidir.

Ne baxtki, milliy mustaqillikka erishganimiz tufayli ona tarixi miz to‘g‘risidagi chin haqiqat yuzaga chiqdi, uning qiyofasini to‘sib kelgan g‘uborlar, «oq» va «qora» dog‘lar butkul supirib tashlandi. Buning orqasida katta tarix yaratgan xalqimizning yuksak dahosi, ne-ne buyuk ajdodlarimizning yorqin siymosi, ularning mangulikka daxldor o‘lmas merosi yangidan to‘la kuch bilan namoyon bo‘ldi.

Jamiyat ma’naviyatini yuksaltirish sohasidagi eng asosiy vazifa milliy istiqlol g‘oyasini shakllantirish va odamlar ongiga singdirishdan iborat. 1993-yil 23-aprel kuni Prezident Islom Karimov bir guruh adiblar bilan suhbat qilib, milliy istiqlol g‘oyasini yaratishning zaruriyati va ahamiyatini asoslab berdi. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining XII sessiyasida 1993-yil 7-may kuni nutq so‘zlab, Prezident Islom Karimov quyidagilarni ta’kidladi:

- milliy istiqlol g‘oyasi xalqimizning azaliy an’analariga, udumlariga, tiliga, diliga, ruhiyatiga asoslanib, kelajakka ishonch, mehroqibat, insof, sabr-toqat, adolat, ma’rifat tuyg‘ularini ongimizga singdirishi lozim.
- milliy istiqlol g‘oyasi xalqimizda o‘zining qudrati va himoyasiga suyangan holda umuminsoniy qadriyatlarga asoslanib, jahon hamjamiyatidagi taraqqiy topgan davlatlar orasida teng huquqli asosda munosib o‘rin egallashiga doimiy intilish hissini tarbiyalamog‘i kerak.

«Tafakkur» jurnalining 1998-yil 2-sonida jurnal bosh muharriri savollariga Prezident I.Karimovning javoblari e’lon qilindi. Mazkur javoblarda milliy g‘oyamizning nazariy va amaliy jihatlari yanada chuqurroq yoritildi. Bugungi kunda sobiq sovetlar zamonida hukmronlik qilgan, odamlarni qullik, mute’lik holatiga solgan, manqurtga aylantirgan kommunistik mafkurani tanqid qilish, ma’muriy choralar ko‘rish yo‘li bilan yengib bo‘lmaydi. Islom Karimov «G‘oyaga qarshi faqat g‘oya, fikrga qarshi faqat fikr, jaholatga qarshi faqat ma’rifat bilan bahsga kirishish, olishish mumkin», – degan haq fikrni ilgari surdi.

Milliy istiqlol g‘oyasidan kutilgan maqsad nima?

Prezident I.Karimov suhbatda «Xo‘sh, milliy g‘oya, milliy mafkura nimalarni o‘zida mujassamlashtirishi va qanday talablarga javob berishi kerak?» degan savolni qo‘yadi va unga javob berar ekan, quyidagi dasturiy ahamiyatga molik fikr-mulohazalarni, vazifalarni ilgari surdi:

- birinchidan, milliy mafkura, avvalambor, o‘zligimizni, muqaddas an’analarimizni anglash tuyg‘ularini, xalqimizning ko‘p asrlar davomida shakllangan ezgu orzularini, jamiyatimiz oldiga bugun qo‘yilgan oliy maqsad va vazifalarni qamirab olishi shart;
- ikkinchidan, jamiyatimizda bugun mavjud bo‘lgan xilma-xil fikrlar va g‘oyalar, erkin qarashlardan, har qanday toifalar va guruhlarning intilishlari va umidlaridan, har qanday insonning e’tiqodi va dunyoqarashidan qat’iy nazar ularning

[1]Бурханова Сабо Тулановна – старший преподователь кафедры “История Узбекистана”, Ташкентский финансовый институт, Узбекистан.

barchasini yagona milliy bayroq atrofida birlashtiradigan, xalqimiz va davlatimizning daxlsizligini asraydigan, el-yurtimizni eng buyuk maqsadlar sari chorlaydigan yagona g‘oya mafkura bo‘lishi kerak;

- uchinchidan, milliy mafkuramiz har qanday millatchilik va shunga o‘xshagan unsurlardan, boshqa elat va xalqlarni mensimaslik, ularni kamsitish kayfiyati va qarashlaridan mutlaqo xoli bo‘lib, qo‘shni davlat va xalqlar, umuman jahon hamjamiyatida, xalqaro maydonda o‘zimizga munosib hurmat va izzat qozonishda poydevor va rahnamo bo‘lishi darkor;

- to‘rtinchidan, milliy g‘oya birinchi navbatda yosh avlodimizni vatanparvarlik, el-yurtga sadoqat ruhida tarbiyalash, ularning qalbiga insonparvarlik va odamiylik fazilatlarini payvand qilishdek olijanob ishlarimizda madadkor bo‘lishi zarur;

-beshinchidan, Vatanimizning shonli o‘tmishi va buyuk kelajagini uzviy bog‘lab turishga, o‘zimizni ulug‘ ajdodlarimiz boqiy merosining munosib vorislari, deb his qilish, shu bilan birga jahon va zamonning umumbashariy yutuqlariga erishmoqqa yo‘l ochib beradigan va shu maqsadlarga muttasil da’vat qiladigan g‘oya bo‘lishi kerak.

Prezident I.A. Karimov hozirgi zamonda insonlarning qalbi va ongini egallash uchun mafkuraviy kurash bo‘layotganligi, ko‘p narsalarni mafkura maydonlarida bo‘layotgan kurashlar hal qilishi mumkinligi,

O‘zbekistonda ham ba’zi yoshlarni yo‘ldan chalg‘itadigan diniy ekstremizm xavfi mavjudligi haqida ogohlantirib kelmoqda.

80-yillarning oxirlarida mamlakatimizga o‘zini «do‘st», «dindosh», «millatdosh» qilib ko‘rsatib, go‘yo islom dinining sofligi uchun kurashishga «da’vat» etuvchi ayrim kimsalar kirib kelganligi ma’lum. Ular muqaddas islom dinimizning asl mohiyatini bilmaydigan oddiy odamlarni, g‘o‘r yoshlarni o‘z tuzog‘iga ilintirib, bizga begona bo‘lgan diniy aqidalarni yoyishga urindi, ayrim yoshlarni o‘ziga mahliyo qilishga, jaholat va jinoyat botqog‘iga tortishga ulgurishdi ham. Namangan, Toshkent va Andijonda sodir etilgan qonli voqealardan keyingina bu kuchlarning niyati hokimiyat uchun kurash bo‘lib, ular din niqobi ostida harakat qilayotgan xalqaro terrorchilik harakatining O‘zbekistondagi bir to‘dasi ekani oshkor bo‘ldi. Mustaqillikning dastlabki yillarida eski mafkuradan voz kechish natijasida paydo bo‘lgan bo‘shliq vaziyatida begona g‘oyalarning O‘zbekistonga xuruji kuchaydi.

Bunday mafkuraviy ta’sirlar salbiy oqibatlarga olib kelmasligi uchun nima qilish kerak?

«Buning yo‘li-odamlarimiz avvalambor, yoshlarimizning iymon-e’tiqodini mustahkamlash, irodasini baquvvat qilish, ularni o‘z mustaqil fikriga ega bo‘lgan barkamol insonlar etib tarbiyalash. Farzandlarimiz yuragida ona Vatanga, boy tariximizga, ota-bobolarimizning muqaddas diniga sog‘lom munosabatni qaror toptirishimiz, ta’bir joiz bo‘lsa, ularning mafkuraviy immunitetini kuchaytirishimiz zarur» [1].

Prezident I.A.Karimovning 2008-yilda nashr etilgan “Yuksak ma’naviyat-yengilmas kuch” asarida milliy istiqlol g‘oyasining ma’zmun-mohiyati, tamoyillari yanada ravshan belgilab berildi. Ular quyidagilardan iborat:

- yurt tinchligi
- vatan ravnaqi
- xalq farovonligi
- komil inson
- ijtimoiy hamkorlik
- millatlararo totuvlik
- dinlararo bag‘rikenglik [2]

Shunday qilib, Islom Karimov O‘zbekistonning milliy g‘oyasini yaratish tashabbuskori va ijodkori bo‘ldi. Ma’no-mazmuni ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot barpo etish, Vatan ravnaqi, yurt tinchligi va xalq farovonligiga erishish, komil insonni tarbiyalash, ijtimoiy hamkorlik, millatlararo totuvlik va dinlararo bag‘rikenglikni ta’minlash kabi insonparvar tamoyillarni o‘zida uyg‘unlashtirgan milliy istlqlol g‘oyasi shakllandi.

Mamlakatimizda milliy istiqlol g‘oyasining asosiy tamoyillari ta’lim va madaniy-ma’rifiy muassasalari, ommaviy axborot vositalari, adabiyot va san’at, mahallalar va mehnat jamoalari tomonidan odamlar ongi va qalbiga singdirilmoqda.

Yurtboshimiz Islom Karimov ta’kidlaganidek, “Biz oldimizga qo‘ygan buyuk

maqsadlarni amalga oishirishda o‘tgan yigirma ikki yil davomida erishgan va jahon tan olgan yutuq va marralar – milliy demokratik davlat qurish, iqtisodiyotimizni yangi asnoda tashkil etish, hayotimiz darajasi va qishloqlarimiz, butun mamlakatimizning qiyofasi tobora ochilib, obod bo‘lib borayotganini ko‘z o‘ngimizda o‘tkzadigan bo‘lsak, qani, ayting, aziz do‘stlarim, qadrdonlarim, istiqlolga erishmasdan turib, bunday yuksak natijalarga yetib borishimiz mumkinmikin? Bunga javob bitta: yo‘q va yana yo‘q” [3].

Адабиётлар:

1. I.A. Karimov. Milliy istiqlol mafkurasi – xalq etiqodi va buyuk kelajakka ishonchidir. Asarlar to‘plmi 8-jild.-T.:O‘zbekiston 2000, 494-bet.
2. I.A. Karimov. Yuksak ma’maviyat –engilmas kuch. –Toshkent:Manaviyat. 2008.
3. Karimov. Mustaqillik – barcha ezgu reja va marralarimizning mustahkam mezoniqir. T.: NMIY, 2013, 5-6 – betlar

© С.Т. Бурханова, 2016

УДК 63.3 (5U)

ИДЕЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ НЕЗАВИСИМОСТИ, ЕЕ ИСТОРИЧЕСКИЕ КОРНИ

С.Т. Бурханова

Аннотация. В данной статье рассматривается исторический процесс формирования и развития национальной идеи независимости Узбекистана. Автор приходит к выводу, что Национальная идея Независимости Узбекистана – это результат трудоёмкого труда, обусловленного исторической необходимостью.

Ключевые слова: независимость, национальная идея, национальная идеология, патриотизм, гуманизм, стабильность.

© С.Т. Бурханова, 2016

UDC 63.3 (5U)

THE IDEA OF NATIONAL INDEPENDENCE, ITS HISTORICAL ROOTS

S.T. Burkhanova

Abstract. This article discusses the historical process of the formation and development of the national idea of Uzbekistan's independence. The author comes to a conclusion about that National Idea of independence of Uzbekistan – is the result of painstaking work, due to historical necessity.

Keywords: independence, national idea, a national ideology, patriotism, humanism, stability.

© S.T. Burkhanova, 2016.

УДК:94 (571:1)

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН АГРАР ИСЛОҲАТЛАРНИ ЎРГАНИШГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР

С.О. Туляганова[1]

Аннотация

Мақолада Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган аграр илохотлар,уларнинг натижалари ва муаммолари,республика қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантиришнинг ўзига хос йўли тарих фани нуқтаи назаридан нисбатан камроқ ўрганилганли, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислоҳотларнинг натижалари ва бу борадаги муаммоларни тарихий нуқтаи назардан тадқиқ этишга зарурият туғилганлиги ҳақида фикр юритилади.

*Таянч сўзлар:*реформа, аграр сектор,фермер хўжалиги,инфратузилма,дехқон хўжалиги.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги ижтимоий – иқтисодий сиёсати, аграр ислоҳотлар, ижтимоий ҳимоянинг асосий бўғинларидан бири бўлган қишлоқда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳолини давлат ҳимояси остидаги бозор муносабатлари тизимига солиш кабилар бугунги кунга келиб тарих фанида тадқиқ этилиши лозим бўлган мавзулардан бири ҳисобланди. Айниқса, Республика қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантиришнинг ўзига хос йўли тарих фани нуқтаи назаридан нисбатан камроқ ўрганилган соҳа бўлиб, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислоҳотларнинг натижалари ва бу борадаги муаммоларни тарихий нуқтаи назардан тадқиқ этишга зарурият туғдирмоқда.

Муаммо юзасидан тарихий адабиётлар, олиб борилган илмий – тадқиқот, изланишлар таҳлили асосида аграр ислоҳатларни мавжуд адабиётлар туркумини қуйидагича ўрганиш мақсадга мувофиқ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг республикада амалга оширилаётган аграр ислоҳотларга бағишланган асарлари ва маърузалари.

2. Мустақиллик арафасида чоп этилган адабиётлар, олиб борилган тадқиқот, чоп этилган мақола, рисолалар.

3. Мустақиллик даврида ушбу масалага оид нашр этилган адабиётлар, олиб борилган изланиш ва тадқиқотлар, мақолалар.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлилининг аграр ислоҳотларнинг назарий асосларини очиб берувчи ва аниқ маълумотларни илмий доирага киритишда муҳим аҳамият касб этувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари ва нуфузли анжуманлардаги маърузалари ташкил этади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” номли китоби республикада янгича иқтисодий муносабатларга ўтишда ўхшаши бўлмаган, бетакрор, яхлит андоза асосида бозор муносабатларига ўтиш омиллари кўрсатиб берилади. Асарда бозор иқтисодиёти муносабатлари жамиятнинг барча қирраларини қамраб олувчи ижтимоий муносабатларни ифода этувчи тизим экинлиги асослаб берилган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг халқ манфаатларини ўзида акс эттирувчи мустақил ижтимоий – иқтисодий сиёсатни ўтказиш имконияти юзага келди. Айни пайтда “1991 йили ўз мустақиллигини эълон қилган республикалар, шу жумладан Ўзбекистон ҳам собиқ Иттифоқдан батамом барбод бўлган иқтисодий, молиявий ва нарх – наво тизимини, ўта издан чиққан бошқарув механизмини ва иқтисодий муносабатларни мерос қилиб олган эдилар”. [1, с. 281] Собиқ иттифоқ давлатларининг маъмурий – буйруқбозлик тартибидан, марказлаштирилган раҳбарлик усулидаги режалаштиришдан бозор муносабатларига, демократик

[1]Туляганова Севара Омоновна – старший преподователь кафедры «История Узбекистана», Ташкентский финансовый институт, Узбекистан.

жамиятга ўтиш йўлидаги саъй – ҳаракатлари қаторида Ўзбекистонда ҳам ижтимоий ларзаларсиз, қатъият ва изчиллик билан бозор муносабатларига ўтиш, ижтимоий салоҳият, ер ости ва ер усти бойликларидан самарали тусда фойдаланиш, халқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, республиканинг турмуш даражаси юксак бўлган, иқтисо-дий тараққий этган мамлакатлар қаторига чиқиб олишини таъминлайдиган қудратли иқтисодий негизни вужудга келтирилаётган давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этиш керак эди. Бу хусусда И.А. Каримовнинг бир қатор кўрсатмалари ва маърузалари муҳим аҳамият касб этди. [2, с. 274-359] Ўзбекистонни бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли Президент И.А. Каримов асослаб берган беш тамойил сифатида нафақат республикада, балки кенг жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилди.

Президент И.А.Каримовнинг мустақиллик арафасида ва мус-тақилликнинг дастлабки йилларидаги ижтимоий – иқтисодий жараёнлар акс эттирилган “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” номли кито-бида республика ижтимоий – иқтисодий ҳаёти, ундаги зиддиятли жараёнлар ва уни бартарф этиш йўллари ёритилган бўлиб, дастлабки йиллардан эркин бозор муносабатларига ўтишда аввало республика пахтачилигидаги ишларнинг аҳволига: пахтанинг нархи, пахта яккаҳокимлигини тугатиш масалаларига ғоят зудлик билан эътибор бериш зарурлигига, нарх – наво ислоҳоти бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда чорвачилик маҳсулот-ларига ҳам тадбиқ қилиниши лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. [3, с. 48-49]

Совет ҳокимиятининг сўнгги йилларида, яъни, мустақиллик арафасида чоп этилган адабиётлар таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак. бу даврда совет давлатида “қайта қуриш” ислоҳотлари бошланиб, жамият ҳаётига демократик ёндошувлар кириб келган давр бўлса ҳам чоп этилган адабиётлар ва илмий – тадқиқотларда асосан коммунистик партия мезонларига таянган ёндошув услуби устун бўлиб қолаверган. Масалан моҳиятига оид бу адабиётлар орасида И. Алимов, А.А. Голованов, Т. Афанасьева, А. Тожибоевларни таъкидлаб ўтиш даркор. [4, с. 27] Мазкур адабиёт ва тадқиқотларда муалифлар марксча – ленинча мафкура нақтаи – назаридан республика аграр соҳаси маълум қирраларини кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Шу билан бир қаторда муаллифлар аграр соҳасининг баъзи камчиликларни ҳам давр мафкураси нуқтаи – назаридан ишлаган ҳолда таҳлил қилганлар. Бундай ҳолатни А.А. Голованов, А. Тожибоев ишларида ҳам кўриш мумкин.

Юқорида қайд этилган адабиётларда қишлоқ хўжалигида уруғчилик, ирригация, машинасозлик, кимёлаштириш масалалари, шунингдек Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигида йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинган. Айни пайтда, муаллифлар XX аср 80 – йилларида катта шов – шувга сабаб бўлган Сибирь дарёлари сувининг йўналишини ўзгартириш лойиҳаси ҳақида ҳам ўз фикрларини билдирганлар. Шунингдек, баъзи адабиётларда ҳам Ўзбекистон иқтисодиётининг ўртача иттифоқ даражасидан сезиларли орқада қолганлиги, иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалик ва минерал хом ашёларни дастлабки қайта ишлов беришга мўлжалланганлиги, пахтачиликда ўта кучли кимёвий моддаларни қўллаш зарарлари ҳам ёритилган.

XX аср 80 – йиллари иккинчи ярми ва асосан сўнгги икки йилида илк бор Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, Орол денгизи, ер ости ва оқинди сувлар, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш муаммоларига, экологик муҳит ва пировардида бу ҳолатнинг республикани турли ҳудудлари аҳолиси турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатишига бағишланган қатор ишлар пайдо бўлди. [5, с. 222] Аммо муаллифлар бу муаммоларни пахта яккахокимлиги ёки Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишидаги хатолар билан боғлаган ҳолда таърифлаб бериш билан чекланган холос.

Шунингдек, бу даврда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги камчиликлар, уларни ҳал этиш йўллари ва изга солиш бўйича вақтли матбуотда ҳам бир қатор мақолалар чоп этилди. [6] Юқорида келтирилган адабиётлардаги маълумотлар ҳам республика аграр иқтисодиётини бир томонлама ўрганишга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Мустақиллик йилларида иқтисодий ислоҳотлар ва унинг аграр йўналишлари тарихчи, иқтисодчи каби соҳа мутахассислари томонидан илмий таҳлил қилиниб яратилган нашрлар, диссертация ишлари, ижтимоий – гуманитар мавзудаги

мақолалар ташкил этади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, танланган мавзу билан иқтисодчи олимлар ҳам шуғулланиб, улар томонидан ислоҳотларнинг иқтисодий томонлари ёритиб келинмоқда.

Мустақиллик йилларида тарихни яхлит ўрганишга дастлабки ури-нишлар Ўзбекистон Республикаси хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг янги тарих маркази томонидан нашр этилган "Ўзбекистон-нинг янги тарихи. Ик-кинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги дав-рида" ва "Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Ўзбекистон муста-қиллик йиларида" номли асарларда ўз аксини топди. Бу китобларда Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари арафасидаги қишлоқ хўжалиги ва унинг аҳволи ва мустақиллик йилларидаги аграр ислоҳотларни амалга оширилиши кенг ҳажмда ёритиб берилган.

И. Эргашевнинг қишлоқда сиёсий – ижтимоий жараёнлар тизимига бағишланган илмий монографияси эса бозор муносабатларига ўтиш даврида қишлоқда ижтимоий жараёнларнинг фалсафий асослари очиб берилади.

Н.Тўхлиевнинг "Ўзбекистон иқтисодиёти. Саволлар ва жавоблар" номли китоби Ўзбекистон иқтисодий ҳаёти, яъни республиканинг бозор муносабатларига ўтиши, совет давлати иқтисодий бошқарув тизими, аграсаноат мажмуаси, унинг тузилиши ва бошқарилиши ва бошқа иқтисодий жараёнлар, унинг оқибатларига бағишланган саволларга жавоблардан иборат бўлган илмий монографияси ҳам Ўзбекистондаги аграр муносабатларни ёритиб берувчи бир қатор маълумотларни ўрганади. Айни пайтда ушбу монография иқтисодий бошқарув тизими ва бозор муносабатлари ҳақидаги тушунчаларни билиб олишда муҳим манба бўлиб хизмат қилди. [7, с. 172]

Қишлоқ ҳаёти ва бозор муносабатларига бағишланган М. Исломов, А. Маматказин, О. Додобоев, А. Мамадалиевларнинг "Қишлоқ ва бозор" номли китобида мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистондаги иқтисодий ҳолат ва аграр муносабатларнинг бошланиш жараёнлари ёритилади. Муаллифлар бу ҳолатларни кўпроқ Фарғона вилояти мисолида ёритадилар ва Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтаётган вақтидаги ижтимоий – иқтисодий ҳолатига кўпроқ тўхталадилар. [8] Бироқ бу адабиётларда ўтиш давридаги қишлоқ хўжалиги аҳволи, ҳолати ва уни янги муносабатларда шакллантиришдаги камчиликлар кўрсатиб ўтилмайди.

Шунингдек, 2009 йилни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиниши муносабати билан чоп этилган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" номли китоб илмий – тадқиқот ишини ёритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Мазкур адабиётда республикада амалга оширилган аграр ислоҳотлар босқичма – босқич кўрсатиб берилган. Хусусан, 2009 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ва қабул қилинган Ўзбекистон Президенти фармойишлари ўз ифодасини топган. [9, с. 310]

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган аграр ислоҳатлар, эришилган ютуқлар тарихига бағишланган бир қатор диссертациялар ҳам ҳимоя қилинди. П. Хўшбоқовнинг диссерта-циясида Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши, унинг муаммо ва зиддиятли томонлари Самарқанд вилояти мисолида ёритиб берилади. Муаллиф республика ва айниқса Самарқанд вилояти халқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланган аграр соҳага тўхталиб, Ўзбекистонда илғор давлатлар тажрибасидан ўрганиш ва республика учун маъқул бўлган томонларини олиш ҳисобига қисқа муддатда аграр соҳада катта ўзгаришлар юз берганини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида, айниқса пахта етиштиришда баъзи камчиликларга йўл қўйилгани ва баъзи муаммолар борлигини ҳам мисоллар билан илмий таҳлил қилиб беради. [10, с. 20]

Мавзуга оид иқтисодчиларнинг ҳам қатор илмий тадқиқот ишлари мавжуд бўлиб, уларда асосан муаммонинг турли жиҳатлари таҳлил этилади. Ўрганилаётган муаммо юзасидан республикада фаолият олиб бораётган олимлар томонидан ташкил этилиб, ўтказиб келинаётган республика, халқаро миқёсдаги илмий – амалий анжуманлар муносабати билан чоп этилган бир қатор мақолалар, ҳамда илмий тадқиқот ишларнинг аграр ислоҳотларга, Ўзбекистонда деҳқончилик масалаларига бағишланганлиги муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, "Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда" мавзусига бағишланган республика илмий – амалий анжуманида мустақиллик йилларида амалга оширилган туб ислоҳотларга

бағишланган мақолалар қаторида қишлоқ хўжалигидаги амалга оширилган тадбирлар ҳақида ҳам фикр юритилади. Бу ўринда Ф.Исматуллаев таъкидлашича, “Ўзбекистон фермер хўжаликларни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор соҳаларига айланган. Ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида ЕИ ва ТАСИС дастури негизида Фарғона вилоятида 3 та муҳим йўналиш бўйича “Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш” лойиҳаси амалга оширилган. Ундан мақсад Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида фермерлар, деҳқон хўжаликлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни такомиллаштириш бўлган. [11, с. 395]

1995 йилда Ўзбекистон деҳқончилик – саноат мажмуининг илмий таъминотига бағишланган анжуман материалларида республика агросаноат комплексини ривожлантиришга бағишланган, деҳқон хўжаликлари ва уларнинг қишлоқ хўжалигидаги ўрнига бағишланган мақолалардан деҳқон хўжаликларга тегишли маълумотлар олинди. Т.Х.Фармонов ўз мақоласида республикада ташкил этилган деҳқон хўжаликларини 3 асосий турга бўлади. Улар собиқ совет давлати давридаги жамоа хўжаликлари таркибида ижара асосида фаолият кўрсатган деҳқон хўжаликлари, шахсий томорқа хўжаликларини кенгайтириб, деҳқон хўжаликларини тузган шахслар, ҳуқу-қий шахс сифатида мустақил ҳолда маҳсулот етиштираётган хўжаликлардан иборат бўлиб, булар мустақилликнинг дастлабки йилларида фаолият юрит-ган. Муаллиф, улар орасидаги фарқни мулкчилик даражасида деб кўрсатади ва биринчи турга кирган хўжаликлар етиштирган маҳсулотларидан олинган фойданинг ярмига эга бўлсалар, қолган икки турга кирувчи хўжаликлар катта иқтисодий эркинликка эга бўлишларини кўрсатиб ўтади. [12, с. 142] Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бағишланган илмий – амалий анжуманда эса республикада фермер хўжаликларини кредитлашга бағишланган бир неча материаллар чоп этилди.

Шунингдек, аграр ислоҳотлар ва унинг қонуний асосларини мастаҳкамлашга бағишланган бир қатор мақолалар ҳам илмий тадқиқот ишини ёритишда муҳим роль ўйнади.

Умуман олганда, яқин ўтмишда аграр соҳада амалга оширилган ислоҳотларни ўрганилганлик даражаси муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, қишлоқ хўжалигидаги туб ўзгаришларнинг дастлабки шарт-шароитлари, тарихий зарурияти ва ўзига хос жиҳатларини тарихий тадқиқ этишга эса бугунги кунда эҳтиёж мавжуд. Аграр ислоҳотларни амалга оширишнинг “ўзбек модели”ни, нинг ҳуқуқий асосларини тарихий нуқтаи – назардан ўрганиш, Ўзбекистонда ҳуқуқий – демократик давлат ва фуқоролик жамияти қуриш асосларининг туб моҳиятини англашга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли / Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсаи, мафкура. 1 жилд. – Тошкент. Ўзбекистон, 1996. – 281 бет.
2. 2.Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли / Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсаи, мафкура. 1 жилд. – Тошкент. Ўзбекистон, 1996. – 274 – 359 бетлар.
3. 3.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эриши остонасида. Тошкент. Ўзбекистон, 2011. – 48-49 бетлар.
4. Алимов И. В.А. Ленин ва қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш. – Тошкент Ўзбекистон, 1986; Таджибаев А. Деятельность МТС в восстановление и развитии сельского хозяйства Узбекистана. Автореф. дисс… канд. ист. наук. – Ташкент, 1990. 27б.
5. Орол мадад сўрайди. Тошкент: Мехнат, 1987. 224 б.; Судьба Арала. Тошкент: Мехнат, 1988. 222б.; Акрамов З.М., Рафиков А.А. Орол ҳозир ва келажакда. – Тошкент: ЎзССР «Билим», 1989. 31б.; Акрамов З.М., Рафиков А.А. Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря. – Тошкент: Мехнат, 1990. 142б. ва б.
6. Ўзбекистон ССР Министрлар Советида. Қишлоқ меҳнаткаши учун уй ва ер // Совет Ўзбекистони. 1989, 9 июль; Янгиланиш нишоналари // Совет Ўзбекистони. 1989, 27 сентябрь; Қишлоқ меҳнаткаши учун уй ва ер.
7. 7.Тухлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. Саволлар ва жавоблар. Тошкент: Ўзбекистон, 1994. 172 б.
8. Исломов М., Маматказин А., Додобоев О., Мамадиалиев А. Қишлоқ ва бозор: ўтиш даври ва аграр иқтисодий муаммолари.Тошкент. Меҳнат, 1992.
9. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги. – Тошкент. ILM ZIYO, 2009. – Б. 310.

10. Хўшбоқов П. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши: муаммо ва зиддиятлар (Самарқанд вилояти мисолида). Т. ф.н.илм.дар... дисс автореф. Тошкен: ЎзМУ, 2007. 20 б.
11. Исматуллаев Ф.О. Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда халқаро лойиҳаларнинг ўрни (Фарғона водийси мисолида). Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда мавзусидаги республика илмий анжуман материаллари. Фарғона. 2009. 395 бет.
12. 12.Фармонов Т.Х. Деҳқон хўжаликларининг ташкил топиши ва ривожланиши / Ўзбекистон деҳқончилик-саноат мажмуининг илмий таъминоти мавзусидаги илмий сессия материаллари.Тошкент. Фан, 1995. 142 б.

© С.О. Туляганова, 2016

УДК 94 (571:1)

ОБ ИЗУЧЕНИИ ИССЛЕДОВАНИЙ, ПОСВЯЩЕННЫХ АГРАРНЫМ ИЗМЕНЕНИЯМ В УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ

С.О. Туляганова

Аннотация. В данной статье рассматривается исторический процесс формирования и развития национальной идеи независимости Узбекистана. Автор приходит к выводу, что Национальная идея Независимости Узбекистана – это результат трудоёмкого труда, обусловленного исторической необходимостью.

Ключевые слова: независимость, национальная идея, национальная идеология, патриотизм, гуманизм, стабильность.

© С.О. Туляганова, 2016

UDC 94 (571:1)

ABOUT ANALYSIS DEDICATED TO AGRARIAN REFORMS IN UZBEKISTAN IN YEARS OF THE IN-DEPENDENCE

S.O. Tulyaganova

Abstract. In the article is introduced analysis of literature and articles, dedicated to reforms in agrarian sphere in years of the Independence of Uzbekistan. In part, in investigation of agrarian problems took an important place historiographical analysis of condition, histori-cal significance and peculiarities of fundamental reforms in the sphere of agriculture.

Keywords: reform, agrarian sector, farming facilities, infrastructure, private sector.

© S.O. Tulyaganova, 2016.

УДК 94 (575) (093)

СУҒД КОНФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

Ш.Ш. Шаякубов [1]

Аннотация

Мақолада Суғд конфедерациясининг илк ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрни, ҳамда давлатчиликнинг ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатлари билан боғлиқ масалалар ёритилган. Ўрта Осиёда давлат бошқарув тизимининг тарихий асослари ёртилган Муғ тоғидан топилган суғдий ёзма манбалар таҳлил этилган. Тадқиқот жараёнида олинган натижалар ўзбек давлатчилиги ҳақидаги тасаввурларимизни бойитишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: Суғд, конфедерация, давлатчилик, илк ўрта асрлар, ҳуқуқий асос, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатлар, ёзма ёдгорликлар, Муғ қалъаси, давлат бошқаруви.

Қадим ва илк ўрта асрларда Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзалари оралиғидаги ҳудуд Суғд деб аталган бўлиб, аҳолиси суғдийлар деб номланган. Суғдийлар ўзларининг уста ҳунармандлиги ва тижоратга моҳирлиги билан нафақат минтақа иқтисодий-маданий ҳаётида, балки бутун Буюк Ипак йўли бўйлаб жойлашган халқлар ҳаётида ўзига хос ўрин тутганлар. Шу билан биргаликда, улар жуда қадимдан ўз ёзувига эга халқ сифатида келгуси авлодга кўплаб диний-фалсафий ёзма ёдгорликлар мерос қолдиришган. Хусусан, илк ўрта асрлар Ўрта Осиё халқлари давлатчилиги ва маҳкамачилик тизимини ёритишда асосий манба – кўзгу вазифасини бажарувчи Муғ тоғи ҳужжатлари ҳам айнан суғдий тилда яратилган. Суғдийлар ўзбек халқи этник шаклланишида ўзига хос рол ўйнаган этнос сифатида ҳам маълумдир. Шу жиҳатдан олганда давлатчилигимиз тарихини ўрганиш долзарб бўлиб турган бир пайтда Суғд воҳасида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва суғдийларнинг давлатчилик анъаналарини ёзма манбалар асосида илмий ва холисона тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Суғд тарихий маданий ўлкаси ўзининг бой тарихий илдизлари билан жаҳон тарихида алоҳида ўрин тутади. Ёзув маданияти бу ўлкада мил. авв. IV-III асрлардан шаклланиб бориб, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаёт ҳақида кўплаб маълумотларни ўзида мужассам этди. Яъни, суғдий ёзма ёдгорликлар Ватанимиз тарихини ўрганишда ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки улар қадимги Суғд тарихий-маданий ўлкаси ҳаётини, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичларини, бу ерда кечган сиёсий жараёнларни, давлатчиликнинг тадрижий босқичларини, ҳарбий воқеликларни, араб истилоси ва озодлик учун кураш лавҳаларини четдан туриб қараш асосида эмас, балки бевосита ҳар бир вазият ичида туриб ёритувчи ноёб ёзма манбалардир. Суғдий ёзув орқали бизгача ерамиз бошларидан то XI асрларга қадар ёзилган кўплаб ноёб ёдгорликлар етиб келганки, улар орасида металл, сопол, ёғоч, чарм, қоғоз ва бошқа буюмларга битилган матнлар, шахсий мактублар, диний, аҳлоқий-фалсафий матнлар, хўжалик, ҳуқуқий ва дипломатик хужжатлар ўзига хос ўринга ега. Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги Муғ тоғи илк ўрта аср қасри ҳаробаларидан топилган Суғдий ҳужжатлар архиви ҳам ана шундай ноёб Суғдий ёзма ёдгорликлардан муҳим бир туркумини ташкил этади. Мазкур ҳужжатлар илк ўрта асрлар Суғд тарихига оид ўзига хос қимматли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий маълумотларни беради.

Узоқ ўтмишда Турон, илк ўрта асрлардан бошлаб то сўнгги ўрта асрларгача Туркистон деб аталган Ўрта Осиё минтақаси тарихи бугунги кун минтақа халқлари учун бирдай муштаракдир. Қадим замонлардан бери ушбу минтақада ўзининг географик жойлашувидан келиб чиқиб шаклланган бир қатор тарихий-маданий ҳудудлар бўлиб, улар бизга Суғд ёки Суғдиёна, Бақтрия–Тохаристон, Хоразм, Марғиёна, Чоч, Фарғона, Уструшона, Еттисув, Шарқий Туркистон номлари остида маълум. Бугунги кунда ушбу тарихий-маданий ҳудудларнинг асосий қисми мамлакатимиз Ўзбекистон ҳудудига тўғри келиб, улар орасида қадим ўтмишдаёқ ўзининг ўтроқ деҳқон, уста ҳунарманд ва моҳир

[1]Шомануср Шакабилович Шаякубов – заведующий кафедрой «История Узбекистана», Ташкентский финансовый институт, Узбекистан.

тужжорлари билан довруғи дунёга танилган Суғд – Суғдиёна ўлкаси алоҳида ўрин тутади. Бугун мазкур ўлка ўрнида Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё каби мамлакатимизнинг марказий вилоятлари жойлашган.

Бу тарихий-географик ном манбаларда ўзининг муайян ўрнига эга бўлган. Ўтмишда бир неча бор дунё маданияти марказларидан бири даражасига етган Туронзаминнинг марказий қисми, хусусан Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари бўйлаб жойлашган қадимий деҳқончилик минтақаси араб истилосига қадар Суғд ёки Суғдиёна деб аталганлиги қадим Юнон, рим, форс, шунингдек, бақтрий, суғдий каби маҳаллий тиллардаги манбалардан маълум. Бу мамлакат зардуштийларнинг муқаддас китоби қўҳна "Авесто"да ҳам "Гава – суғдийлар яшайдиган юрт" [1, б.36.], деб таъкидланган. Ўзбекистон ҳудудларида кечган давлатчилик тарихи аввало кўп босқичли, узвий ҳамда тадрижий ҳусусиятларга эга. Мамлакатимиз ва чет эл олимларининг бу соҳада амалга оширган қатор тадқиқотлари масалани умумий ёки айрим қирралари жиҳатдан ёритиб келди. Аввалги йиллар учун тарихнинг барча даврларини қамраб олган умумлаштирувчи тадқиқотларда давлатчилик тарихи муаммолари алоҳида қўйилган эмас. Масалан, совет даври тарихнавислиги бизнинг мавзуимиз атрофида, хусусан Суғд ва унинг минтақавий давлатчилик тарихидаги ўрни масаласини айрим йўлакай мулоҳазалардан ташқари махсус муаммо сифатида қўймаган. Ушбу тадқиқотимиз даврий жиҳатдан VI-VIII асрлар оралиғидаги тарихий даврни ўз ичига олади. Лекин, бу давр шунчаки хронологик маънодан ташқари ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг янги сифат босқичини, хусусан, ер мулкчилигига асосланган янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнларни кўзда тутадиган тушунча сифатида қаралади. Илк ўрта асрлар даврини алоҳида ажратиб қарашнинг заминида мулкчилик шаклларининг ўзгариши, илгари мавжуд йирик империал салтанат давлатчилик шаклларидан фарқли равишда Суғдда, Тохаристонда, Чочда, Фарғонада янги типдаги давлат уюшмалари ҳамда Хоразмда ҳудудий давлат тузилмалари вужудга келди.

Ушбу тадқиқот қадим Суғд тарихининг муайян бир даври – илк ўрта асрларга бағишланган бўлиб, унда асосий еътибор мазкур тарихий-географик ўлканинг VI-VIII асрларда конфедератив давлатчилик тизими, маъмурий бошқарув шакли, маҳкамачилик ва ҳужжатчилик анъаналари ҳамда уларнинг манбашунослиги ва тарихшунослиги масалаларини ёритишга қаратилган.

Ушбу тадқиқотга асосий манба сифатида VI–VIII асрларга тааллуқли суғдий тилли ёзма ва нумизматик манбалар жалб қилинган. Маълумки, Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги Муғ тоғи илк ўрта аср қасри ҳаробаларидан топилган суғдий ҳужжатлар архиви ана шундай ноёб суғдий ёзма ёдгорликларнинг муҳим бир туркумини ташкил этади [2, б.113.]. Бу «Муғ тоғи Суғд архиви» деб юритилувчи суғдий ҳужжатлар тўплами бўлиб, VII аср охири VIII аср бошларига оид (722 йилгача) ноёб ҳужжатларни ўз ичига олади. Мазкур ҳужжатлар илк ўрта асрлар Суғд тарихига оид ўзига хос қимматли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий маълумотларни беради.

Суғдда илк ўрта асрлардаги давлат тизимининг сиёсий хусусияти ҳақида турли фикрлар билдирилган. Суғдий, хитой, кейинроқ эса, араб тилли манбаларининг малумотларига кўра бу даврда Турк хоқонлининг сиёсий назорати остида нисбий мустақил ҳолда Суғд конфедератив давлат тузилмаси амал қилган. Унда бир муддат Кеш ҳокимлиги, 650 йиллардан бошлаб Самарқанд етакчилик қилган. Бухоро воҳасида Самарқанд ихшидлари хонадони билан яқин қариндош «Ан чжаоу»лари бир неча юз йил («йигирма икки авлод») давомида ҳукмрон бўлганлар. Кеш еса VII аср ўрталарида Самарқандга итоат этиб, ихшид Шишпир ҳукмронлиги тугаган, ундан кейин Кешда ҳокимиятга келган Шиаге Вархуманга тобе бўлган. Суғдча Муғ тоғи ҳужжатларида ҳам Суғднинг конфедератив давлатчилик тизими ҳақида хулоса берувчи бой маълумотларни кўриш мумкин.

VI–VIII асрларда Турк хоқонлиги Суғд, Чоч, Фарғона, Тохаристон ҳудудларининг ҳимоясини ўз вазифаси, деб ҳисоблаган. Жумладан, VIII асрнинг 40-йилларигача араб истилочиларига қарши Тохаристон ябғулари турк хоқонлари билан бирга курашганлар. Айни пайтда, турк хоқонлари ҳам хоқонликнинг то сўнгги йилларигача ўлкани ўз тупроғи сифатида ҳимоя қилганлар [3, б.32.].

Маълумки, Турк хоқонлиги 560-йиларда Ўрта Осиёнинг бошқа кичик ҳукмдорликлари қаторида Суғдни ўз қўл остига олган ва шу саналардан бошлаб, Суғд хоқонликнинг таркибий бир қисми бўлиб қолганди. Шу жиҳатдан олганда, Турк хоқонлиги араб босқини арафасида ҳам Суғдни ўз ҳудудининг бир парчаси сифатида

кўриб, унга ҳарбий ёрдам берган. Шунингдек, Суғд ҳукмдорлари ҳам Турк ҳоқонларига ўзларининг ҳукмдори ва ҳомийси сифатида қараганлар. Ғ.Бобоёровнинг таъкидлашича, Ўрта Осиёдаги мавжуд кичик давлатлар ҳукмдорлари ҳоқонликка тобелигини "ҳоқоннинг қули сифатида билиши" орқали ифодалаган бўлиб, Табарийнинг *«Тарих ар-русул ва-л мулук"* асарида келтирилган маълумотда бунинг яққол мисолини кўриш мумкин [4, б.18.]. Ушбу асарда Суғд ҳукмдори Ғурак "ўзини турк ҳоқонининг қулларидан бири сифатида билиши" қайд қилинган [5, б.92.]. Шунга яқинроқ маълумотлар суғдий ҳужжатларда ҳам учрайди. Жумладан, Муғ тоғи архиви таркибидаги *В-17* рақамли ҳужжатдан маълум бўлишича, Панжикент ҳукмдори Деваштич (708-722) ўзини турк ҳоқонининг вассали сифатида билиб, ҳоқондан ўзига "юксак унвон ва мартаба" келганлигини таъкидлайди [6, б.23.].

А-14 ҳужжати мазмунидан аён бўлдики, Фатуфарннинг элчилик ташрифи муваффақиятсиз якун топган. Лекин, бу воқеалар вақтинчалик эди. Турк ҳоқонлигининг араб истилочилигига қарши ҳаракатлари яна давом этгани ҳақида «Тарихи Табарий»да кўплаб маълумотлар келтирилган.

Ҳужжатда Девештич ҳузурига етиб келган турклар ва хитойларнинг ҳарбий қўшинлари ҳақидаги маълумот яна ҳам қизиқарлидир. Маълумки, бу Хитойнинг VIII аср бошларида Суғд ҳукмдорларига ҳарбий ёрдами ҳақидаги суғдий тилли ягона маълумот ҳисобланади [7, б.35.].

Муғ тўпламининг бир қатор дипломатик мактублари сингари *В-17* рақамли ҳужжатнинг ҳам санаси кўрсатилмаган. Девештич бу мактубда ўзини «Суғд подшоси», ёки «Суғд подшоси, Самарқанд ҳукмдори» деб эмас, балки оддий ҳукмдор (*хвабу*) деб атайди. Мактуб Девештич учун оғир дамларда, ўз вассалларига, жумладан, Хахсар ҳокимлигининг ҳукмдори Афарунга буйруқ бериш ўрнига, уларни содиқликка чақирган ҳолда иттифоқчилар билан муносабатлар борасидаги хабарлар билан тинчлантириб, келажакда ҳарбий муваффақиятлар ваъда қилиш мазмунида ёзилган.

Келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, араблар истилоси арафасида Суғд конфедерацияси, бир томондан Турк ҳоқонлиги билан узвий алоқада, иккинчи томондан ўз анъанавий сиёсий муносабатлари доирасида нисбий мустақил ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлган. Аммо араб истилоси бирин-кетин конфедерация субъектларини бир-биридан ажратиш йўли билан Суғднинг асосий ҳудуддарини ўз домига тортди. Суғднинг сўнгги вилояти Панч 722 йилда босиб олинди.

Муғ ҳужжатлари VII аср охири – VIII асрнинг 722 йили билан чекланганига қарамай, шу йилларда бўлиб ўтган араб истилоларининг, бу муносабат билан юзага келган сиёсий вазиятнинг жонли ва ёрқин ифодачиларидир. Бу ҳужжатлар нафақат араблар истилоси жараёни ва унинг реал сиёсий оқибатларини, балки Суғднинг ички анъанавий сиёсий вазиятининг ҳамда ташқи сиёсат воситасида истилочиларга қарши кураш чораларини излаш билан боғлиқ сиёсий муносабатларни ҳам тушуниш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик. А.Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001.
2. Согдийские документы с горы Муг / Описание, исследования и публикации / АА.Фреймана, Вып. I. – Москва: Наука, 1962. – 90 б.; Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А. Лившица. Вып.II. – Москва: Наука, 1963. – 222 б.; Хозяйственные документы / Чтение, перевод и комментарии М.Н.Боголюбова, О.И.Смирновой. Вып. III. –Москва: Наука, 1963.-132 б.
3. Бобоёров Ғ. Тоҳаристон ябғулари тарихига доир (VII-VIII асрлар) // Ўзбекистон тарихи.-2003.-№3.
4. Бобоёров Ғ. Турк ҳоқонлиги даврида Суғд (бошқарув тизими) // Шарқшунослик. – Тошкент: Фан. 2002. – №11.
5. История ат-Табари. Избранные отрывки / Перевод В.И.Беляева. Дополнение О Г.Большакова и А.Б Халидова –Ташкент: Фан, 1987.
6. Grenet F., Vaissiere E. de la. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archeology. VIII. 2002.
7. Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Т.: Фан. 1992.

© Ш.Ш. Шаякубов, 2016.

УДК 94 (575) (093)

МЕСТО СОГДИЙСКОЙ КОНФЕДЕРАЦИИ В ИСТОРИИ УЗБЕКСКОЙ ГОСУДАР-СТВЕННОСТИ

Ш.Ш. Шаякубов

Аннотация. В статье раскрывается место Согдийской конфедерации в истории узбекской государственности, существовавшей в раннем средневековье, а также вопросы, связанные с правовой основой социально-политических, экономических отношений государства. Анализируются согдийские письменные памятники, найденные в крепости Муг, в которых освещены исторические основы государственного управления в Средней Азии. Полученные выводы обогащают наши представления об истории государственности нашей страны.

Ключевые слова: согд, конфедерация, государственность, раннее средневековье, правовая основа, социально-политические, экономические отношения, письменные памятники, крепость Муг, государственное управление.

© Ш.Ш. Шаякубов, 2016

UDC 94 (575) (093)

THE PLACE OF SUGD CONFEDERATION OF UZBEK STATEHOOD HISTORY

Sh.Sh. Shayakubov

